

## МУЛКНИ ҚАСДДАН НОБУД ҚИЛИШ ЁКИ УНГА ЗАРАР ЕТКАЗИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Абуллаев Акмалжон Йўлчибаевич<sup>1</sup>

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси ўқитувчиси  
Мирзаев Абдураззоқ Музаффар ўғли<sup>2</sup>

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7882392>

Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар самараси авваламбор юксак маънавиятли, мустақил фикрлайдиган, Ватанимиз тақдири ва истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир ёш кадрлар сафини кенгайтиришга бевосита боғлиқдир.

Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини қонуний химоя қилиш - демократик давлат қуриш ва адолатли фуқаролик жамиятни барпо этиш йўлида илдам олдинлаб бораётган мамлакатимиз олдида турган энг асосий вазифалардан бири.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил

29 сентябрдаги Фармойиши билан судлар томонидан ҳукм қилинган шахсларни афв этиш учун етказилган зарарни тўлиқ қоплаш масаласини энг асосий талаблардан бири сифатида белгиланган.

Истиқлолнинг дастлабки йиларида юртимизда ҳафвсизлик ва барқарорликни таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш вазифаларига устувор аҳамият берилиётганлиги юртбошимиз Ш.М. Мирзиёев томонидан алоҳида таъкидланмоқда.

Бу эса ўз навбатида, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти, Тезкор-қидирув фаолияти, Тергов фаолияти, Йўл ҳаракати ҳафвсизлиги фаолияти, ёнғин ҳафвсизлиги, қўриқлаш, Патрул-пост хизмати, алоҳида вазифаларини бажарувчи сафарбарлик отрядлари қайта ташкил этилганда, Ички ишлар органларининг моддий-техник базасини мунтазам мустаҳкамлаб борилаётганида намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ўз давлат мустақиллигига эришгандан сўнг, ўтган давр мобайнида миллий иқтисодиётни шакллантириш ва уни тубдан ислоҳ қилиш, мамлакатимиз мустақиллик тараққиётини энг муҳим омили ва асосини ташкил этганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Бу борада бизнинг олдимизда Республика ва аҳоли эҳтиёжини, биринчи навбатда ёқилиғи энергетик ресурслари, истеъмол ва озиқ-овқат махсулотларига бўлган талабни қондиришдек долзарб ҳаётий вазифалар турар эди.

Мамлакатимизда хусусий мулкчилик тикланиб, унинг ривожини устувор аҳамият касб этди.

Иқтисодиётнинг асосий тармоқлари, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарнинг бутунлай давлат тасарруфидан чиқариши ва хусусийлаштириши натижасида мамлакатимизда кўп улкан иқтисодиёт шаклланди, мулкдорлар ва тадбиркорларнинг янги синфи пайдо бўлади ва бу синф йилдан-йилга юртимиз ҳаётига тобора салмоқли рўл ўйнамоқда.

Шу билан биргаликда яратилган имтиёз ва имкониятлардан турли-хил манфаатларни кўзлаб, қинғир йўллар билан бойишни кўзлаётган шахслар ҳам афсуски жамиятимизда учраб турибди. Бугунги кунда бундай жамиятда содир этаётган шахсларга нисбатан жиноий жавобгарликнинг қўллаш масалаларини бир мунча

либераллаштирилди ва маскур турдаги жиноятлар учун жавобгарлик масаласи юзага келди. Жиноят-хуқуқий нормалар такомиллаштирилди.

Бу эса ўз навбатида мазкур турдаги жиноятларга қарши курашиш самарадорлигини оширишга олиб келмоқда. Шу ўринда биринчи президентиимиз ўзининг мазкур маърузасида қуйдагиларни таъкидлаган эдилар: “Иқтисодиёт соҳасидаги жиноят ишлари бўйича озодликдан маҳрум қилиш ва қамоқ тариқасидаги жазоларнинг ўрнига жарима шаклидаги иқтисодий санкция қўллаш имконияти анча кенгайди. Жиноий жазо тизимидан инсонпарварлик тамойилларига мутлақо зид бўлган мол-мулкни мусодара қилиш тариқасидаги жазо тури чиқариб ташланди” .

Ҳозирги кунга келиб, шахс томонидан мулкни қасдан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш жиноятини содир этганда, тергов ва суриштирув органлари томонидан шахснинг ҳолатига хуқуқий баҳо бериб, жиноят содир этган шахсдан, жиноят орқали етказилган зарарни қоплаш чораларини кўриш ва тарафларнинг ихтиёрий розилиги асосида. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 661-моддасида асосланган ҳолда яраштириш қўлланилиш мумкин .

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 173-моддасининг биринчи қисми, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 661-моддасига киритилган, шу билан бир қаторда жиноят кодексининг 173-моддасининг 4-қисмида кўрсатилган ҳолат яъни, етказилган моддий зарар 3 карра миқдорида қопланган тақдирда, озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо чораси қўлланилмаслиги кўрсатиб ўтилган .

Шунингдек, мазкур ҳолат Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда кўрсатиб ўтилган яъни,

“612-модда. Мулкни қасдан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш

Ўзганинг мулкни қасдан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш, оз миқдорни ташкил этса, — энг кам иш ҳақининг беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ўзганинг мулкни қасдан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш кўп бўлмаган миқдорни ташкил этса, — энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

Оз миқдор деганда энг кам иш ҳақининг ўттиз бараваригача бўлган доирадаги, кўп бўлмаган миқдор деганда эса, энг кам иш ҳақининг ўттиз бараваридан юз бараваригача бўлган доирадаги миқдор тушунилади.

Устав фондида давлат улуши бўлмаган корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг мол-мулкни қасдан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш фақат мазкур корхоналар, муассасалар, ташкилотлар раҳбарининг, мулкдорининг ёки ваколатли бошқарув органининг аризасига кўра жавобгарликка сабаб бўлади”.

### References:

1. Суюнов Ш., Азаматов А. Суриштирув институтининг ривожланиш истиқболлари // Академические исследования в современной науке. – 2023. – Т. 2. – №. 13. – С. 9-14.
2. Суюнов Ш., Хушвақтов Б. Озодликдан маҳрум қилиш жазосининг аҳамияти // Общественные науки в современном мире: теоретические и практические

исследования. – 2023. – Т. 2. – №. 5. – С. 74-77.

3. Суюнов Ш., Суюнов А. Жиноят қонунчилигида ярашув институти ва унинг қонунчилигимиздаги афзалликлари //Академические исследования в современной науке. – 2023. – Т. 2. – №. 12. – С. 133-135.

4. Суюнов Ш., Бердиев Ф. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашда суд-психиатрия экспертизасининг аҳамияти //Международная конференция академических наук. – 2023. – Т. 2. – №. 4. – С. 27-31.

5. Суюнов Ш., Бердиев Ф. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги ишларни юритишнинг ўзига хослиги //Наука и технология в современном мире. – 2023. – Т. 2. – №. 13. – С. 40-43.

